



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378.014
КБК: 74.58(5Ў)
X - 92
Хуррамов, М.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш [Матн] : методик қўлланма / М. Хуррамов . – Тошкент: "Sano-Standart", 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-7215-2-4

Ушбу қўлланмада таълим сифатини таъминлаш бўйича халқаро стандарт ва кўрсатмалар, олий таълим муассасаларида таълим сифати ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган онлайн сўровнома натижалари, профессор-ўқитувчиларнинг таълим сифатини ошириш борасидаги таклиф ва тавсиялари ҳамда олий таълим муассасаларининг таълим сифатини ошириш борасидаги илғор тажрибалари ўрин олган.

Қўлланма олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ходимлари учун мўлжалланган.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, Т.Аҳмедов, Л.Зарипов,
А.Эшмуродов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.014
КБК: 74.58(5Ў)

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли йиғилиш баёни ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйруғи билан нашрга тавсия этилган

ISBN 978-9943-7215-2-4

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Сўнгги йилларда барча соҳалар қатори олий таълим тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ислохотлардаги асосий урғу олий таълим муассасаларида талабаларнинг жаҳон андозаларига мос сифатли билим олишларини таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятини ошириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, олий таълимнинг илғор стандартлари ва инновацион ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий фикрлайдиган Янги Ўзбекистоннинг янги кадрларини шакллантириш, мухтасар қилиб айтганда, таълим сифатини кескин оширишга қаратилмоқда. Бу борада, авваламбор, таълим сифатини ошириш бўйича халқаро стандарт ва йўриқномаларни ўрганиш, улар асосида таълим сифатини баҳолашнинг миллий меъёр ва мезонларини ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш асосий мақсад этиб белгиланган.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, Марказ томонидан олий таълим муассасаларида таълим сифати ҳолатини ўрганиш бўйича тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот — олий таълим муассасаларидаги таълим сифати бўйича мавжуд муаммоларни ўрганиш, таълим сифатини таъминлаш бўйича халқаро стандарт ва мезонларни таҳлил қилиш ҳамда уларни миллий тизимга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаларининг таълим сифатини ошириш борасидаги илғор тажрибаларини оммалаштириш, шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясида назарда тутилган “олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш”** вазифаси ижросини самарали таъминлашга қаратилди.

Тадқиқот доирасида дастлаб **13** мингдан ортиқ талаба ёшлар ўртасида сўровнома ўтказилди, интервью шаклида **30** дан ортиқ талабанинг фикрлари ўрганилди, шу билан бирга, **20** га яқин энг фаол профессор-ўқитувчилар иштирокида таълим сифатига бағишланган алоҳида давра суҳбати ташкил этилди ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган мазкур услубий қўлланма олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш бўйича замонавий ёндашув ва усулларни татбиқ этишга амалий ёрдам беради.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ВА КЎРСАТМАЛАР

Бугунги кунда жаҳон рейтингларида юқори ўринларни эгаллаган топ университетлар таълим сифатини ошириш борасида турли стандарт ва кўрсатмалар асосида иш юритиб келмоқда.

Жумладан, Европа университетлари 2015 йилда Болонья тизимини қабул қилган 48 давлатнинг таълим вазирликлари томонидан маъқулланган **“Европа олий таълим ҳудудида олий таълим сифатини таъминлаш бўйича стандартлар ва йўриқномалар”** асосида фаолият юритади. Ушбу ҳужжат 3 қисмдан ташкил топган:

- 1) Ички сифат кафолати бўйича стандартлар ва йўриқномалар;
- 2) Ташқи сифат кафолатлари бўйича стандартлар ва йўриқномалар;
- 3) Сифатни таъминлаш сиёсати ва тартиблари — ҳар бир университетнинг институционал қараш ва стратегиясини ўзида акс эттирган сифатни таъминлаш бўйича ички сиёсатининг мавжудлиги.

1. Ички сифат кафолати бўйича стандартлар ва йўриқномалар қисмида университетларга таълим сифатини таъминлаш бўйича жуда муҳим тавсиялар берилган бўлиб, Ўзбекистон университетлари учун ҳам долзарб ҳисобланади. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) Сифатни таъминлаш агентликлари учун стандартлар ва йўриқномалар;
- 2) Дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш — университетларда дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш маълум жараёнлардан иборат бўлиши керак. Хусусан, дастурлар белгиланган мақсадларга мос равишда ишлаб чиқилиши, дастурдан келиб чиқадиган малакалар аниқ белгиланиши, тушунтирилиши ва олий таълимдаги миллий малака доирасининг маълум даражасига мос келиши керак;

- 3) Талабага йўналтирилган таълим, ўқитиш ва баҳолаш — университетлар дастурларига талабага йўналтирилган таълим жараёнларини жорий этишлари кўзда тутилади. Ўқув жараёнига оид дастурларини тузишда талабаларнинг ҳам фаол иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир;

- 4) Ўқишга қабул қилиш, ўзлаштириш, талабалар сафидан чиқариш, тан олиш ва сертификатлаш — университетлар талабалар “ҳаёт цикли” (ўқишга қабул қилиш, ўзлаштириш, ўқишни тамомлаш, тан олиш ва сертификатлаш)нинг барча босқичларини тартибга солувчи олдиндан белгиланган, нашр этилган ва изчил қўлланиладиган тартиб-қоидаларга эга бўлиши керак.

- 5) Профессор-ўқитувчилар таркиби — университетларда салоҳиятли ўқитувчиларни танлаш, ишга олиш, касбий маҳорати ва малакасини ошириш имконини берадиган (объектив) ва шаффоф ташкилий механизмлар яратилган бўлиши керак.


- 6) Таълим ресурслари ва талабаларни қўллаб-қувватлаш тизими — университетлар ўқув фаолиятини таълим ресурслари билан таъминлаш, талабаларни қўллаб-қувватлаш ва профессор-ўқитувчилар жамоасини ташкил этиш учун етарли даражада молиявий маблағга эга бўлишлари керак.

- 7) Ахборотни бошқариш — университетлар фаолият дастурлари ва таълимнинг барча йўналишларини самарали бошқаришлари учун тегишли маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланишни кафолатлашлари керак;

8) Жамоатчиликни хабардор қилиш — университетлар аниқ, тўғри, холис, долзарб ва ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни (жумладан, дастурларни) сайтлари орқали эълон қилиб боришлари керак;

9) Доимий мониторинг ва дастурларни даврий баҳолаб бориш — университетлар ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришаётганлиги, талабалар ва жамият эҳтиёжларига жавоб бера олаётганлигини кафолатлаши учун вақти-вақти билан дастурларни мониторинг қилишлари ва баҳолаб боришлари керак. Ушбу жараён натижалари ҳамма учун очиқ бўлиши ҳамда университет дастурларининг доимий такомиллашиб боришига хизмат қилиши лозим;

10) Даврий ташқи сифат кафолати тартиб-таомиллари — университетлар мунтазам равишда ташқи сифат кафолати процедураларидан ўтишлари керак.



2. Ташқи сифат кафолатлари бўйича стандартлар ва йўриқномалар

Ички сифат кафолатини эътиборга олиш. Стандарт:

Ташқи сифат кафолати ички сифатни таъминлаш жараёнларининг самардорлигини кўриб чиқиши керак.

Кўрсатмалар:

Олий таълим сифатини таъминлаш олий таълим муассасаларининг ўз дастурлари ва бошқа таъминот сифати учун жавобгарлигига асосланади; шунинг учун ташқи сифат кафолати учун институционал масъулиятни тан олиши ва қўллаб-қувватлаши муҳимдир. Ички ва ташқи сифат кафолати ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш учун ташқи сифат кафолати ички сифат стандартларининг эътиборли жиҳатларини қамраб олади. Улар ташқи сифат кафолати турига қараб турлича кўриб чиқиши мумкин.

Мақсадга мос келувчи методологияларни лойиҳалаш. Стандарт:

Ташқи сифат кафолати, тегишли қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, олдиндан белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишда унинг мувофиқлигини таъминлаш

учун махсус тарзда белгилаб олиниши ва ишлаб чиқилиши керак. Уни лойиҳалаш ва доимий такомиллаштиришда манфаатдор томонлар иштирок этишлари керак.

Кўрсатмалар:

Самарадорлик ва холисликни таъминлаш учун ташқи сифат кафолати манфаатдор томонлар тарафидан келишилган аниқ мақсадларга эга бўлиши жуда муҳимдир.

Мақсадлари, вазифалари ва амалга оширилиш жараёнлари:

- муассасаларга юклайдиган иш ҳажми ва харажатларини ҳисобга олишни ёдда тутиш;
- сифатни ошириш учун институтларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини ҳисобга олиш;
- муассасаларга сифатни яхшилаш учун киритилган ўзгаришларни кўрсатишга имконият бериш;
- натижалар ва уларни кузатиб бориш бўйича аниқ маълумотларни тақдим этиш.

Агар муассасалар ўзларининг ички сифат кафолати самарадорлигини намойиш эта олсалар, ташқи сифат кафолати тизими янада мослашувчан тарзда ишлаши мумкин.

Жараёнларни татбиқ этиш. Стандарт:

Ташқи сифат кафолати ички сифатни таъминлаш жараёнларининг самарадорлигини кўриб чиқиши керак.

Кўрсатмалар:

Олий таълим сифатини таъминлаш олий таълим муассасаларининг ўз дастурлари ва бошқа таъминот сифати учун жавобгарлигига асосланади; шунинг учун ташқи сифат кафолати учун институционал масъулиятни тан олиши ва қўллаб-қувватлаши муҳимдир. Ички ва ташқи сифат кафолати ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш учун ташқи сифат кафолати ички сифат стандартларининг эътиборли жиҳатларини қамраб олади. Улар ташқи сифат кафолати турига қараб турлича кўриб чиқилиши мумкин.

Тақризчи экспертлар. Стандарт:

Ташқи сифат кафолати таркибида талаба аъзо(лар) бўлган ташқи экспертлар гуруҳлари томонидан амалга оширилиши керак.

Кўрсатмалар:

Сифатни ташқи кафолатлаш асосини муассасалар, ўз соҳасининг етук мутахассислари, талабалар ва иш берувчилар/профессионал амалиётчилар томонидан тақдим этиладиган кенг қўламли тажрибалар ташкил этади.

Мутахассислар ишининг қиймати ва изчиллигини таъминлаш мақсадида улар:

- диққат билан танланган;
- тегишли кўникмаларга эга бўлиш ва ўз вазифаларини бажариш учун малакали;
- тегишли тренинг ёки брифинг орқали қўллаб-қувватланади.

Сифатни ташқи кафолатлашда халқаро экспертларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир, чунки бу жараёнларни ривожлантириш ва амалга оширишга қўшимча жиҳат қўшади.

Натижалар мезонлари. Стандарт:

Ташқи сифат кафолати натижасида қабул қилинган ҳар қандай натижалар ёки мулоҳазалар муайян расмий қарор қабул қилишга олиб келишидан қатъи назар, изчил қўлланиладиган аниқ ва маълум мезонларга асосланиши керак.

Кўрсатмалар:

Ташқи сифат кафолати, хусусан, унинг натижалари баҳоланадиган ва хулоса қилинадиган институтлар ва дастурларга сезиларли таъсир кўрсатади.

Адолат ва ишончлилик манфаатлари учун изчил талқин қилиниб бориладиган ва далилларга асосланадиган ташқи сифат кафолати натижалари олдиндан белгиланган ва маълум мезонларга асосланади. Ташқи сифатни таъминлаш тизимига қараб, натижалар турли шаклларда бўлиши мумкин, масалан, тавсиялар, мулоҳазалар ёки расмий қарорлар.

Ҳисобот. Стандарт:

Мутахассисларнинг тўлиқ ҳисоботлари нашр этилган, тушунарли ҳамда академик ҳамжамият, ташқи ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор шахслар учун очиқ бўлиши керак. Агар агентлик ҳисоботлар асосида бирон-бир расмий қарор қабул қилса, қарор ҳисобот билан бирга эълон қилиниши керак.

Кўрсатмалар:

Мутахассисларнинг ҳисоботи муассасанинг ташқи баҳолашнинг кейинги ҳаракатлари учун асос бўлиб, жамиятга муассаса фаолияти тўғрисида маълумот беради. Ҳисобот сифатида ишлатилиши ва амалга оширилиши учун асос бўлиб, у аниқ, тузилиши, тил жиҳатдан ихчам бўлиши ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши керак:

контекст тавсифи (олий таълим муассасасини ўзига хос контекстда жойлаштиришга ёрдам бериш учун);

индивидуал процедуранинг тавсифи, шу жумладан, жалб қилинган мутахассислар;

далиллар, таҳлиллар ва натижалар, хулосалар;

муассаса томонидан кўрсатилган илғор амалиётнинг хусусиятлари; кейинги ҳаракатлар бўйича тавсиялар.

Хулоса ҳисоботини тайёрлаш фойдали бўлиши мумкин.

Ҳисобот яқунланишидан олдин ташкилотга фактлардаги хатоларни текшириш имконияти берилса, маълумотларининг тўғрилиги таъминланади.

Шикоят ва муурожаатлар. Стандарт:

Шикоятлар ва муурожаатлар жараёнлари ташқи сифатни таъминлаш жараёнлари лойиҳасининг бир қисми сифатида аниқ белгиланиши ва муассасаларга етказилиши керак.

Кўрсатмалар:

Ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолатли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун ташқи сифат кафолати очиқ ва ҳисобдорлик асосида амалга оширилади. Шунга қарамай, жараён ёки расмий натижалар ҳақида тушунмовчилик ёхуд норозилик ҳолатлари бўлиши мумкин.

Ташкилотлар агентлик билан боғлиқ муаммоларни кўтариш имконини берувчи жараёнлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак; идоралар

бундай масалаларни изчил тарзда қўлланиб келинадиган, аниқ белгиланган жараён орқали профессионал тарзда ҳал қилишлари зарур.

Шикоятни кўриб чиқиш тартиби муассасага жараённинг ўтказилиши ёки уни амалга ошираётган шахслардан норозилигини билдиришга имкон беради.

Апелляция тартибида муассаса жараённинг расмий натижаларини саволга тутати. Бунда у натижа аниқ далилларга асосланмаганлигини, мезонлар тўғри қўлланилмаганлигини ёки жараёнлар изчил амалга оширилмаганлигини кўрсатиш имконига эга бўлади.

3. Сифатни таъминлаш агентликлари учун стандартлар ва йўриқномалар

Сифат кафолати бўйича фаолият, сиёсат ва жараёнлар. Стандарт:

Агентликлар (таълим сифатини текшириб берувчи ташкилотлар) ташқи сифат кафолати фаолиятини мунтазам равишда амалга оширишлари керак. Улар омма учун очиқ бўлган миссиясининг бир қисми бўлган, очиқ ва аниқ мақсад ва вазифаларга эга бўлиши керак. Ушбу жиҳатлар агентликнинг кундалик фаолиятига айланиши керак. Агентликлар манфаатдор томонларнинг ўз бошқаруви ва фаолиятига жалб этилишини таъминлаши лозим.

Кўрсатмалар:

Ташқи сифат кафолати мазмунли бўлишини таъминлаш учун институтлар ва жамоатчиликнинг агентликларга ишончи муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли сифатни таъминлаш бўйича фаолиятнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, идоралар ва олий таълимнинг тегишли манфаатдор томонлари, айниқса, олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг табиати билан бир қаторда, агентликлар ишининг қўлама ифода этилиши ва чоп этилиши лозим. Агентлик фаолияти халқаро аъзоларни агентлик қўмиталари таркибига киритиш орқали такомиллаштирилиши мумкин.

Турли мақсадларга эришиш учун агентликлар томонидан ташқи сифатни таъминлаш бўйича ҳар хил тадбирлар амалга оширилади. Улар орасида баҳолаш, кўриб чиқиш, аудит, мониторинг, аккредитация ёки дастур ёхўд институционал даражадаги бошқа шунга ўхшаш тадбирлар амалга оширилиши мумкин. Агентликлар бошқа турдаги фаолиятни ҳам амалга оширганда ташқи сифат кафолати ва уларнинг бошқа иш соҳалари ўртасида аниқ фарқ бўлиши керак.

Расмий мақом. Стандарт:

Агентликлар белгиланган тартибда ҳуқуқий асосга эга бўлиши ва ваколатли давлат органлари томонидан расман сифатни таъминлаш агентлиги сифатида тан олиниши керак.

Кўрсатмалар:

Хусусан, ташқи сифат кафолати тартибга солиш мақсадида амалга оширилганда, муассасалар ушбу жараён натижалари ўзларининг олий таълим тизимида, давлат, манфаатдор томонлар ва жамоатчилик томонидан қабул қилиниши кафолатига эга бўлиши керак.

Мустақиллик. Стандарт:

Агентликлар мустақил бўлиши ва автоном ҳаракат қилиши керак. Улар учинчи томон таъсирисиз ўз фаолиятлари ва ушбу фаолият натижалари учун тўлиқ жавобгар бўлиши лозим.

Кўрсатмалар:

Автоном муассасалар худди шундай фаолият билан шуғулланувчи мустақил идораларга муҳтожлик сезади.

Агентликнинг мустақиллигини кўриб чиқишда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

— Агентлик фаолиятининг олий таълим муассасалари, ҳукуматлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар каби учинчи шахслардан мустақиллигини назарда тутувчи расмий ҳужжатлар (масалан, ҳукумат ҳужжатлари, қонун ҳужжатлари ёки ташкилот низоми) билан белгиланган ташкилотнинг мустақиллиги;

— Операцион мустақиллик: агентлик тартиблари ва усуллари белгилаш ва ишлатиш, шунингдек, ташқи экспертларни номзод сифатида кўрсатиш ва тайинлаши олий таълим муассасалари, ҳукуматлар ва бошқа манфаатдор томонлар каби учинчи шахслар аралашувидан мустақил равишда амалга оширилади;

— Расмий натижаларнинг мустақиллиги: сифатни таъминлаш жараёнларида тегишли манфаатдор томонлардан иборат экспертлар, хусусан, талабалар иштирок этишса-да, сифатни таъминлаш жараёнларининг якуний натижалари агентлик масъулияти бўлиб қолади.

Агентликнинг ташқи сифатни таъминлаш фаолиятига ҳисса қўшадиган ҳар қандай шахс (масалан, эксперт сифатида), улар учинчи шахс томонидан тайинланганлигига қарамасдан, улар агентликда ишлаётганда ўз таъсис ташкилотлари вакили сифатида эмас, балки бор маҳоратини ишга солган ҳолда ҳаракат қилишлари ҳақида хабардор қилинади. Мустақиллик ҳар қандай тартиб-таомиллар ва қарорлар фақат тажрибага асосланган бўлишини таъминлаш учун муҳимдир.

Мавзули таҳлил. Стандарт:

Агентликлар ўзларининг ташқи сифат кафолати фаолиятининг умумий натижаларини тавсифловчи ва таҳлил қилувчи ҳисоботларни мунтазам равишда нашр этишлари керак.

Кўрсатмалар:

Ўз фаолияти давомида агентликлар ягона жараён доирасидан ташқарида фойдали бўлиши мумкин бўлган, олий таълим тизими доирасида тизимли таҳлиллар учун маълумот тақдим этувчи дастурлар ва муассасалар ҳақида маълумотга эга бўлишади. Ушбу натижалар институционал, миллий ва халқаро контекстларда сифат кафолати сиёсати унинг жараёнларини акс эттириш ҳамда такомиллаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Ушбу маълумотни тўлиқ ва синчковлик билан таҳлил қилиш ўзгаришлар, тенденциялар ва илғор ёки қолюқ соҳаларни кўрсатиб беради.

Ресурслар. Стандарт:

Агентликлар ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун муносиб ва тегишли, ҳам инсоний, ҳам молиявий ресурсларга эга бўлиши керак.

Кўрсатмалар:

Олий таълим жамиятлар ва шахслар ривожига муҳим таъсир кўрсатишини ҳисобга олсак, агентликларнинг етарли даражада ва тўғри молиялаштирилиши жамият манфаатларига хизмат қилади. Бундай ресурслар уларга ташқи сифатни

таъминлаш бўйича фаолиятларини самарали ва унумли тарзда ташкил этиш ва амалга ошириш имконини беради. Бундан ташқари, ресурслар агентликларга ривожланиш, ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиш ҳамда фаолиятлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш имконини беради.

Ички сифат кафолати ва касбий хулқ-атвор. Стандарт:

Агентликлар ўз фаолиятининг сифати ва яхлитлигини аниқлаш, таъминлаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ ички сифатни таъминлаш жараёнларига эга бўлиши керак.

Кўрсатмалар:

Агентликлар ўз манфаатдор томонлари олдида ҳисобдор бўлиши керак. Шунинг учун юқори профессионал стандартлар ва ҳалоллик агентлик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Агентликлар институтлар ва жамиятга кўрсатаётган хизматлари самарали бўлишини таъминлашлари учун ўз фаолиятларини таҳлил қилиб такомиллаштириб келмоқдалар.

Агентликлар ўз веб-сайтида мавжуд бўлган ички сифат кафолати сиёсатини қўллайдилар. Бу сиёсат:

- ўз фаолиятида иштирок этаётган барча шахсларнинг малакали бўлишини ҳамда фаолиятлари касбий ва ахлоқий жиҳатдан мувофиқ бўлишини таъминлайди;

- агентлик ичидаги доимий такомиллаштиришга олиб келадиган ички ва ташқи қайта алоқа механизмларини ўз ичига олади;

- ҳар қандай турдаги муросасизлик ва камситишлардан ҳимоя қилади; улар фаолият юритаётган ҳуқуқ субъектларининг тегишли органлари билан тегишли алоқаларни белгилайди;

- субпудратчилар томонидан амалга оширилган ҳар қандай фаолият ва ишлаб чиқарилган материаллар, агар унинг сифатни таъминлаш бўйича фаолиятидаги айрим ёки барча элементлар бошқа томонларга субпудратчи бўлса, сифат стандартига мос келишини таъминлайди;

- агентликка ташқи сифат кафолатини амалга оширадиган муассасаларнинг мақоми ва тан олиншини белгилаш имконини беради.

Агентликларни доимий ташқи текширувдан ўтказиш. Стандарт:

Агентликлар камида беш йилда бир марта ташқи текширувдан ўтишлари керак.

Кўрсатмалар:

Вақти-вақти билан ўтказилган ташқи текширув агентликка ўз сиёсати ва фаолиятини баҳолашга ёрдам беради.

Таклиф ва тавсиялар:

Таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган стандарт ва кўрсатмаларнинг аксарияти миллий олий таълим муассасаларида жорий этилган бўлиб, олий таълим муассасалари фаолиятлари доирасида фойдаланиб келмоқда. Аммо баъзи стандарт ва йўриқномалар олий таълим муассасаларида татбиқ этилмаган. Ҳозирги кунда олий таълим ташкилотларида Европа кредит-модули тизими жорий этилаётган бир вақтда Европа олий таълим стандарти ва йўриқномаларини амалиётга татбиқ этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

Биринчидан, олий таълим муассасалари таълим дастурлари ва фан дастурлари (силлабус)ни тузишда талабаларнинг ҳам иштирокини таъминлаб, уларнинг фикрларини инobatга олишлари мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда **олий таълим муассасаси+иш берувчи+талаба** формати мунтазам ишлаши, дастурларни ишлаб чиқишда учала томоннинг ҳам иштирокини таъминлаб бориш лозим. Бу, бир томондан, дастурларнинг сифат жиҳатидан такомиллашувига хизмат қилса, иккинчи томондан эса талабага йўналтирилган таълим стандартининг жорий этилишига хизмат қилади.

Иккинчидан, олий таълим муассасалари халқаро аккредитация агентликлари томонидан ташқи баҳолаш жараёнларидан ўтишлари керак. Бу олий таълим муассасаларининг халқаро даражада тан олинишига, халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллашларига ҳамда ташқи академик мобилликнинг ривожланишига туртки беради.



ЕВРОПА УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Ҳозирги вақтда аксарият Европа олийгоҳлари университет доирасида таълим сифатини баҳолашнинг асосан 2 хил усулидан фойдаланиб келмоқда. Улар:

1. Сифатни доимий таъминлаш ва такомиллаштириш;
2. Сифатни даврий таъминлаш ва такомиллаштириш.

Сифатни доимий таъминлаб бориш қўйидаги механизмлар орқали амалга оширилади:

1. Дастур администратори (Program administrator) томонидан талабаларнинг (расмий ва норасмий) шикоятларини доимий мониторинг қилиш;
2. Модуль раҳбарлари (Unit leaders) томонидан ўқитишни баҳолаш;
3. Ўқитувчилар, дастур администратори ва марказ менежерлари (Centre managers) томонидан талабаларнинг норасмий фикр-мулоҳазаларини доимий мониторинг қилиш;
4. Модуль раҳбарлари, ўқитувчилар ва марказ менежерлари томонидан талабаларнинг давомати ва фаоллигини доимий мониторинг қилиш;
5. Дастур администратори томонидан талабаларнинг ўзлаштиришини доимий мониторинг қилиш, айниқса, форматив баҳолаш орқали.

Сифатни доимий таъминлаб боришга масъул ходимларнинг вазифалари:

Дастур администратори

Олий таълим муассасасида ўқув фаолияти билан боғлиқ барча масалаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш билан шуғулланади. Дастур администратори дарс жадвалларини тузиш ҳамда ўқитувчилар ва талабаларни ҳар қандай ўзгаришлардан хабардор қилиш учун масъулдир. Улар, шунингдек, талабаларнинг маълумотлар базасини янгилаб боради ва баҳолаш мезонларини такомиллаштиради. Дастур администратори профессор-ўқитувчилар ёки талабалар томонидан кўтариладиган ўқув фаолиятига оид ҳар қандай масалаларга ечим топиш билан шуғулланади. Шу сабабли дастур администратори профессор-ўқитувчилар ва университет раҳбарияти ўртасида муҳим воситачи ролини бажаради.

Марказ менежерлари

Марказ менежерлари университетнинг кундалик инфратузилмасини талаб даражасида сақлаш учун масъулдирлар. Бунга семинарлар ёки маърузалар олдида аудиторияларни тайёрлаш, компьютерлар ва проекция ускуналари каби ресурсларни ҳозирлаш киради. Шунингдек, марказ менежерлари ўқиш даврида ҳафталик ходимлар брифингларини уюштириб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб боради.

Модуль раҳбарлари

Ўқув фаолияти билан боғлиқ барча дастурлар модуль раҳбарлари томонидан бошқарилади. Модуль раҳбарлари катта тажрибага эга профессор-ўқитувчилар ичидан танлаб олинади. Модуль раҳбарларининг асосий вазифаси ҳар бир модулнинг мазмуни тасдиқланган дастур талабларига мувофиқ эканлигини текшириш, ўқув режаси ва баҳолаш схемаларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Шунингдек, улар ўқув йили давомида талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб борадилар. Модуль раҳбарлари таълим дастурлари ва силлабүсларни доимий такомиллаштириб, сифат жиҳатидан бойитиб борадилар.

Юқорида кўрсатилган ўзлуксиз сифат кафолати механизмларига қўшимча равишда, университетлар бир қатор даврий сифатни таъминлаш механизмларидан ҳам фойдаланади:

1. Модулни баҳолаш шакллари (Unit Evaluation Forms)

Барча талабалар ҳар бир модулнинг якунида баҳолаш шаклини тўлдиришлари керак. Мазкур шакллар модулнинг мазмуни ва ўқитиш услубини бойитиш, шунингдек, жараёнга талабаларни жалб этишга мўлжалланган. Модулни баҳолаш шакллари марказ менежерлари томонидан тузилади ва ҳар бир модуль охирида дастур администраторига тақдим этилади.

2. Талабалар вакиллари (Student Representatives)

Ҳар йили марказлар гуруҳ талабалари ичидан вакиллари шакллантиради. Талабалар вакиллари исталган вақтда бўлим раҳбарлари, ўқитувчилар ҳамда марказ менежери билан биргаликда муаммоларни кўтаришлари мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир семестрда бир марта талабалар вакиллари ўз гуруҳи номидан фикр-мулоҳаза шаклини (feedback) тўлдирадилар. Ушбу фикр-мулоҳаза шакллари кейинчалик қабул ва дастур комиссияси (admissions and programme committee)нинг йилда икки марта ўтказиладиган йиғилишида муҳокама қилинади. Натижалар сарҳисоб қилинади ва керакли чоралар кўрилади.

3. Дастур администратори ҳисоботлари (Programme Administrator Reports)

Ҳар йили икки марта ўқув кенгаши йиғилишларида муҳокама қилинганидан сўнг, дастур администратори дастурларни баҳолаш бўйича ҳисоботларини шакллантиради. Ушбу ҳисоботлар дастур билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун умумий нуқталарни бирлаштиради. Улар, шунингдек, қабул ва дастур комиссияси (admissions and programme committee) йиғилишида муҳокама қилинган ҳар қандай таклиф ва тавсияларни умумлаштиради.

Бундан ташқари, дастур администратори йилига бир марта нафақат талабаларнинг бутун йил давомидаги фикр-мулоҳазаларини, балки ҳамкасбларининг кузатувларини, талабаларнинг барча дастурлар бўйича иштирокини ҳамда ташқи текширувчи ҳисоботида кўрсатилган фикрларни ўз ичига олган тизимли йиллик текширувларни ўтказди. Ушбу маълумотлар келгуси йилда таълим сифатини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида синчковлик билан ўрганилади.

4. Такомиллаштириш бўйича ҳисобот (Enhancement-report)

Йилда бир марта қабул ва дастур комиссияси бўлим раҳбарлари томонидан умумлаштирилган такомиллаштириш бўйича ҳисоботни тайёрлайди. Ҳисобот доирасида талабаларнинг баҳолари ва модулларни ўзлаштириш натижалари таҳлил қилинади, шунингдек, профессор-ўқитувчилар томонидан кўтарилган ҳар қандай муаммоларни ўрганади. Такомиллаштириш ҳисоботи кўриб чиқиш учун бош директор (CEO), дастур администратори ва бошқарувчилар кенгаши (board of governors)га тақдим этилади.

5. Бошқарувчилар кенгаши (Board of governors)

Бошқарувчилар кенгаши ҳар чорақда йиғилиб юқорида кўрсатилган ҳисоботларни, хусусан, эришилган ютуқлар, баҳолаш ва дастур кенгаши (assessment and programme committee)нинг фикр-мулоҳазалари ва натижалари, такомиллаштириш бўйича ҳисоботлар, ҳамкасб кузатувчиларнинг баҳолари, ташқи текширувчи ҳисоботларини кўриб чиқади. Ушбу маълумотлар натижасида таклиф қилинган ҳар қандай ўзгартиришлар жорий этилишидан олдин кенгаш томонидан тасдиқланиши керак.

Европа университетларида профессор-ўқитувчилар дарс жараёнида талабалар билимини асосан икки хил усули орқали баҳолайди:

Форматив баҳолаш — талабаларнинг ўрганиш жараёнини кузатиш, ўқитувчилар томонидан берилаётган таълимнинг сифатини ошириш ҳамда талабалар томонидан ўз билимларини мустаҳкамлаш учун асқатадиган доимий фикр-мулоҳазаларни таъминлаш учун ишлатилади.

Саммитив баҳолаш — ўқув йили ёки семестр охирида талабалар ўзлаштириш даражасининг қандайдир стандарт ёки кўрсаткичларга мослигини баҳолаш учун ишлатилади.

Форматив ва саммитив баҳолаш усуллари ўртасидаги фарқли жиҳатлар

Форматив баҳолаш	Саммитив баҳолаш
Дарс жараёни давомида баҳолаш	Курс якуни бўйича баҳолаш
Дарс жараёнини мониторинг қилиш	Якуний баҳо қўйиш
Мақсад талабаларнинг таълим олишини яхшилаш	Мақсад талабаларнинг натижаларини баҳолаш
Баҳолаш бир мавзу доирасида ўтказилади	Баҳолаш бир қатор мавзулар доирасида ўтказилади
Баҳолаш жараён сифатида кўрилади	Баҳолаш маҳсулот сифатида кўрилади

Таклиф ва тавсиялар:

Қайд этиш лозимки, Европа олий таълим муассасалари таълим сифатини ошириш борасида юқорида таъкидлаб ўтилган бир қатор илғор усуллардан фойдаланиб келмоқда. Европа университетлари томонидан қўлланиб келинаётган мазкур тажрибаларнинг айримларини миллий олий таълим муассасаларининг фаолиятига татбиқ этиш яхши самара бериши мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:



Биринчидан, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ичидан тажрибали ва педагогик маҳорати юқори ўқитувчиларни танлаб олиб, ўқув юкларини ҳажмини қисқартирган ҳолда биттадан фан (модуль)ни бириктириб, **модуль раҳбари** лавозимини жорий этиш. Эслатиб ўтиш керакки, бу ўринда **қўшимча штат бирлиги** жорий этилмайди, балки модуль раҳбари этиб тайинланаётган профессор-ўқитувчининг ўқув юкларини ҳажми камайтирилиб, унга модуль раҳбари вазифаси юкланади. Модуль раҳбарининг асосий вазифаси ўзига бириктирилган фанни доимий такомиллаштириб бориш, фан дастурини мазмунан бойитиш, етакчи хорижий университетларнинг тажрибаларини амалиётга татбиқ этишдан иборат бўлади. Бу усул, ўз навбатида, ўтирилаётган фанларнинг сифатли бўлишига, фан дастурларининг мазмунан бойишига ҳамда замонавий фан ютуқларининг амалиётга тезроқ жорий этилишига ёрдам беради.




Иккинчидан, олий таълим муассасалари миллий университетларимизнинг, шунингдек, хорижий университетларнинг тажрибали, ўз фанининг мутахассиси бўлган профессор-ўқитувчиларини шартнома асосида эксперт сифатида ёллаш орқали **ташқи модерация** механизмларини жорий этиб, ташқи экспертлар фан дастурларини, талабаларнинг якуний имтиҳонларини ва келишув асосида бошқа масалаларни экспертизадан ўтказиши ҳамда ўз хулосаларини тақдим этади. Бу усул олий таълим муассасаларида таълим сифатининг янада ошишига хизмат қилади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ОНЛАЙН СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ

Мазкур сўровнома таълим сифати ҳолатини аниқлаб бериш учун мўлжалланган 17 саволдан иборат бўлиб, сўровномада жами 13 минг 155 нафар талаба иштирок этди. Қуйида сўровнома натижалари саволлар кетма-кетлигида таҳлил қилинган.

Сиз таълим олаётган ОТМ қайси ҳудудда жойлашган?




Энг фаол ҳудудлар: Тошкент шаҳри – 27,6 фоиз, Сурхондарё вилояти – 14,6 фоиз Андижон вилояти – 12,6 фоиз, Жиззах вилояти – 11,4 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси – 8,8 фоиз.

Энг нофаол ҳудудлар: Навоий вилояти – 0,5 фоиз, Наманган вилояти – 1,4 фоиз, Хоразм вилояти – 1,6 фоиз, Фарғона вилояти – 2 фоиз, Самарқанд вилояти – 2 фоиз.

Ўртача фаол ҳудудлар: Сирдарё вилояти – 2,8 фоиз, Қашқадарё вилояти – 3,4 фоиз, Бухоро вилояти – 4,2 фоиз, Тошкент вилояти – 7 фоиз.


Олий таълимнинг қайси босқичида таҳсил олмоқдасиз?



Сўровномада иштирок этган талабаларнинг **96,8 фоиз (12 минг 732 нафар)** и бакалаврият босқичида, **3,2 фоиз (423 нафар)**и эса магистратура босқичида таҳсил олмоқда.

Респондентларнинг кўпчилигини бакалавр босқичи талабалари ташкил этган. Ўз-ўзидан магистратура босқичи талабалари камчиликдан иборат бўлмоқда. Бу рақам ОТМларда таҳсил олаётган бакалавр ва магистратура босқичи талабалари умумий сони нисбатига мос келади.


Жинсингиз



Сўровномада иштирок этган талабаларнинг **47,2 фоиз (6 минг 203 нафар)**ини эркеклар, **52,8 фоиз (6 минг 592 нафар)**ини эса аёллар ташкил этди.

Сўровномада талаба қизлар фаоллик кўрсатишиб, ўғил болаларга нисбатан кўпроқ овоз беришган.

Сиз таълим олаётган ОТМдаги таълим сифатини қандай баҳолайсиз?




Ушбу саволга респондентларнинг **15,7 фоизи аъло, 28,2 фоизи қониқарли, 17,2 фоизи қониқарсиз, 39 фоизи эса** яхши, деб жавоб берган.

Демак, олий таълим муассасаларидаги таълим сифатининг аҳволи қувонарли даражада эмас, кўпчилик талабалар яхши жавобини белгилаган бўлса-да, талабаларнинг деярли учдан бир қисми қониқарли, бешдан бир қисми эса қониқарсиз деб жавоб берган.

Салбий овозларнинг улуши салкам **50 фоиздан** иборат эканлигини инобатга олсак, ОТМлардаги таълим сифати **қониқарли** даражада эканлиги маълум бўлади.

Сизга таълим бераётган профессор-ўқитувчиларнинг умумий билим даражасини қандай баҳолайсиз?




Респондентларнинг **63,6** фоизи қониқарли, **18,2** фоизи яхши, **9,1** фоизи қониқарсиз, **9,1** фоизи эса аъло деб жавоб берган.

Жавоблардан яққол намоён бўлиб турибдики, профессор-ўқитувчиларнинг умумий билим даражаси қониқарли ҳолатда.

Демак, ҳар учта профессор-ўқитувчидан икkitаси сифатли таълим бера олмаётгани маълум бўлмоқда.

Профессор-ўқитувчиларнинг дарс машғулотида илғор ва инновацион технологиялар (клоуд технологиялар, ўйинга асосланган ўқув платформалари ва бошқалар)дан фойдаланиш даражасини қандай баҳолайсиз?



Ушбу саволга талабаларнинг **36,4** фоизи қониқарли, **36,4** фоизи яхши, **18,25** фоизи қониқарсиз, **9,1** фоизи эса аъло деб жавоб беришган.

Натижаларга тўхталадиган бўлсак, қониқарли ва яхши жавоблари тенг овоз тўплаган. Аммо талабаларнинг салкам **бешдан бир қисми** қониқарсиз деб баҳо бермоқда. Аъло жавоби эса **10** фоиз ҳам овоз ололмаган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўқитувчилар дарс машғулотида замонавий технологиялардан нунумли фойдаланмасдан, дарсларга эскича услубда ёндашмоқда.


Ўқитувчининг фан дастурида мавзуга оид замонавий адабиётлар (сўнгги 5 йилликда нашр этилган миллий ва хорижий адабиётлар) ва интернет манбаларидан фойдаланиш даражасини қандай баҳолайсиз?



Талабаларнинг **32,6** фоизи яхши, **24,5** фоизи қониқарсиз, **21,7** фоизи аъло, **21,2** фоизи эса қониқарли жавобини белгилашган.

Натижалардан маълумки, барча жавоблар деярли бир-бирига яқин миқдорда. Демак, ҳар тўртта профессор-ўқитувчидан биттаси замонавий адабиётлар билан ишламайди.

Профессор-ўқитувчиларнинг талабаларни эшитиш ва уларнинг фикрларини инобатга олиш даражасини қандай баҳолайсиз?




Респондентларнинг 33 фоизи яхши, 25,7 фоизи қониқарли, 25,1 фоизи қониқарсиз, 16,2 фоизи эса аъло деб жавоб беришган.

Бу ерда ҳам салбий жавобларнинг улуши юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Демак, ҳар тўртта профессор-ўқитувчидан биттаси талабани умуман эшитмайди, уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олмайди.

Профессор-ўқитувчилар талабаларнинг фикрларини инобатга олмасликлари сабабли талабаларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин намоён этиш хусусиятининг пасайишига ҳамда дарсга совуққон ёндашиб ўзига нисбатан ишончи тушиб кетишига олиб келиши мумкин.


ОТМда ташкил этилган мустақил таълим сифатини қандай баҳолайсиз?



Респондентларнинг 33 фоизи яхши, 29,7 фоизи қониқарли, 23,3 фоизи қониқарсиз, 14 фоизи эса аъло деб жавоб беришган.

Натижалардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар учта ОТМдан бирида мустақил таълим қониқарли аҳволда, ҳар тўрттасидан бирида эса мутлақо талабга жавоб бერмайди.

ОТМда ўқитилаётган фанларнинг амалиёт (реал ҳаёт) билан боғланганлигига муносабатингиз қандай?




Талабаларнинг **44** фоизи *фанлар амалиёт билан уйғунлашган, менга ёқди* деган жавобни белгилашган, **32,6** фоиз *талаба ўқитилган фанлар кўпроқ назарияга боғланган* деган жавобни танлаган.

Бундан келиб чиқадики, ОТМларда ўқитилган фанларнинг учдан бир қисми фақат назария билан чегараланиб қолган бўлиб, эскича услубда ўтилмоқда.

Кўпгина фанлар реал ҳаётдан узоқлашиб кетган, замонавий компетенцияларни шакллантириш қобилиятига эга эмас.

ОТМда (пандемия шароитида) ташкил этилган масофавий таълим сифатига муносабатингиз қандай?



Респондентларнинг **37,6** фоизи *маъқул, яхши ўтилади*, **29,5** фоизи *аудиторияни соғинаман, жонли мулоқотга етмайди*, **12,4** фоизи *жудаям қулай, телефон орқали инсталланган жойдан дарсга кириш мумкин*, **12** фоизи *сифат умуман қониқтирмайди*, **8,5** фоизи *маъруза онлайн семинар эса офлайн бўлгани маъқул* деган жавобни танлашган.

Кўпчилик талабалар масофавий таълим сифатини *яхши* деб, баҳолаган бўлса-да, аксарият талабалар офлайн тарзда дарс ўтилишини хоҳлашмоқда, аудиторияларда ўқитилган дарсларнинг таъсири ва аҳамияти барибир ҳам юқори бўлиб қолаверади.


Сиз таълим олаётган ОТМнинг АРМ (кутубхона) фаолияти сизни қониқтирадими?



Талабаларнинг 34,5 фоизи 100 фоиз қониқтиради, кўпгина хорижий ва миллий адабиётларни электрон шаклда юклаб олиш мумкин деган жавобни белгилашган бўлса, 33,7 фоизи эса қониқтиради, охириги йилларда адабиётлар анча янгиланган деган жавобни танлаган.

Умуман олганда, ОТМ кутубхоналари билан боғлиқ вазият ижобий даражада бўлиб, талабалардан кўпроқ ташриф буюриб ўз устида ишлашлари талаб этилади.


Сиз таҳсил олаётган ОТМнинг моддий-техник базаси — замонавий компьютерлар, проектор, смарт доска, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқалар билан таъминланганлик даражасини қандай баҳолайсиз?



Респондентларнинг 30,2 фоизи қониқарли, 29,6 фоизи яхши, 23,1 фоизи қониқарсиз, 17,2 фоизи эса аъло деб жавоб беришган.

Натижалардан ҳам маълумки, ОТМларнинг моддий-техник базаси қониқарли аҳволда бўлиб, асосан, кимё, биология ва физика каби табиий фанлар учун мўлжалланган ўқув-лаборатория жиҳозлари етарли даражада таъминланмаган.


ОТМда талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун яратилган шароитлар — спорт зал, машғулот зали, спорт тўғаракларининг сифатини қандай баҳолайсиз?



Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ОТМларда спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, сифат даражаси унчалик юқори эмас.

Хар учта ОТМдан бирида спорт тўғараклари қониқарли тарзда ташкил этилиб, сифатга камроқ эътибор қаратилмоқда.

ОТМ раҳбарияти талабалар олдида ҳисобдор бўлиши керак деган фикрни қўллаб-қувватлайсизми?




Талабаларнинг 41,7 фоизи “Албатта, етакчи хорижий ОТМларда бу тизим одат тарзида айланган”, 22,2 фоизи “Бизда ҳали ОТМлар чинакам мустақил эмас, шунинг учун раҳбарият талабаларга эмас юқори турувчи ташкилотларга ҳисобот беради”, 19,7 фоизи “ОТМ раҳбарияти талабаларга ҳисобот бериши ва уларнинг танқидий фикрларини инобатга олиши керак”, 11,8 фоизи “Бу тизим ҳали-бери бизда жорий этилмаса керак”, 4,7 фоизи эса “ОТМ раҳбарияти аста-секин талабаларга ҳисобот беришни бошлади”, деб жавоб беришган.

Демак, бугунги кунда ОТМлар раҳбариятининг бор-йўғи 4,7 фоизи талабаларга ҳисобот бериш механизмини йўлга қўйган. Бу кўрсаткич дунёнинг топ ОТМлари билан таққосланганда жуда ҳам паст эканлиги маълум бўлади.

ОТМларда таълим сифатини таъминлаш бўйича халқаро кўрсатмаларга кўра, раҳбарият албатта талабалар ва профессор-ўқитувчиларга фаолияти юзасидан мунтазам равишда (1 йилда) ҳисобот бериб боришлари тавсия этилади.


Сиз таҳсил олаётган ОТМда ўқитувчилар фаолиятини талабалар томонидан баҳолаш тизими йўлга қўйилганми?



Талабаларнинг **42,1** фоизи “Таълим сифатини назорат қилиш бўлими аноним тарзда телеграм ижтимоий тармоғи орқали сўровнома ўтказиш”, **38,2** фоизи “Бундай тизим мавжуд эмас”, **13,9** фоизи “ОТМ ички платформаси орқали ўқитувчиларни шкала бўйича (1 баллдан 10 баллгача) баҳолаш тизими мавжуд”, **5,8** фоизи “Профессор-ўқитувчилар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни телеграм бот орқали ректорга тўғридан-тўғри юборамиз”, деб жавоб беришган. Демак, деярли **40 фоиз** ОТМларимизда профессор-ўқитувчилар фаолиятини талабалар томонидан баҳолаш тизими йўлга қўйилмаган, қайта реакция, тийиб туриш механизмлари ишламайди.

Профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолайдиган амалий механизмлар мавжуд эмаслиги профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида ишламаслик ва янгиликка интилмаслик ҳолатларининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу ўз навбатида, ОТМларда таълим сифатининг тушиб кетишига олиб келмоқда.

Сиз ўқиётган ОТМда сифатли таълим олишингизга нима халақит беряпти деб ўйлайсиз?



- Ортиқча тадбирлар талабанинг кўп вақтини олади, талаба хоҳласа-хоҳламаса тадбирларда қатнашишга мажбур
- ОТМ бошқарув ходимлари талабаларни рағбатлантиришдан кўра, кўпроқ мажбурлаш усулларида фойдаланишни афзал кўради
- ОТМдаги ички муҳит жудаям ёмон, гурӯҳбозлик ва тарафқашлик авж олиб кетган
- Турлича сабаблар

Талабаларнинг 39 фоизи “Ортиқча тадбирлар талабанинг кўп вақтини олади, талаба хоҳласа-хоҳламаса тадбирларда қатнашишга мажбур”, 24,4 фоизи “ОТМ бошқарув ходимлари талабаларни рағбатлантиришдан кўра, кўпроқ мажбурлаш усулларидан фойдаланишни афзал кўради”, 8,5 фоизи “ОТМдаги ички муҳит жудаям ёмон, гуруҳбозлик ва тарафкашлик авж олиб кетган”, 19,7 фоизи “Турлича сабаблар”, деб жавоб беришган.

“ОТМдаги ички муҳит жудаям ёмон, гуруҳбозлик ва тарафкашлик авж олиб кетган”, 19,7 фоизи “Турлича сабаблар”, деб жавоб беришган.

Натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, салкам **40 фоиз** ОТМларда ортиқча тадбирлар талабанинг кўп вақтини олаётганлиги, талабанинг асосий вазифаси ҳисобланган ўқиш қолиб, тадбирларга қатнашишга мажбур бўлаётганлиги маълум бўлади.

Деярли **25 фоиз** ОТМларда раҳбарият эски усулдан фойдаланиб, талабаларни рағбатлантириш йўли билан эмас, аксинча уларни мажбурлаш орқали идора қилишга уринаётганлиги аён бўлмоқда.

ОТМлардаги ички муҳит ҳам қувонарли даражада эмас. Респондентларнинг **8,5** фоизи ОТМда **гуруҳбозлик ва тарафкашлик** ҳолатлари учраб туришини билдиришмоқда.

Сўровнома натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар

Биринчидан, профессор-ўқитувчиларнинг дарс машғулотида илғор ва инновацион технологиялар (клоуд технологиялар, ўйинга асосланган ўқув плат-формалари ва бошқалар)дан фойдаланишни рағбатлантириш чораларини ташкил этиш.

Иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг фан дастурларида замонавий адабиётларни татбиқ этишга қаратилган педагогик технологияларни жорий этиш, адабиётларни ўқув жараёнининг ажралмас таркибига айлантириш услубларини шакллантириш.

Учинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг танқидни қабул қилиш бўйича кўникмаларини шакллантириш борасида таъсирчан механизмларни йўлга қўйиш.

Тўртинчидан, ОТМларда ташкил этилаётган мустақил таълим тизимини такомиллаштириш, мазмунига кўпроқ эътибор қаратиш.

Бешинчидан, фанларнинг назарий машғулотларга ажратилган соатлар улушини камайтириб, амалий машғулотлар улушини ошириш лозим.

Олтинчидан, ОТМларда профессор-ўқитувчилар фаолиятини талабалар томонидан баҳолаш тизимини такомиллаштириш, натижага йўналтирилган механизмларни йўлга қўйиш.

Еттинчидан, ўқув фаолиятига тааллуқли бўлмаган тадбирлар сонини қисқартириш, маънавий-маърифий тадбирларнинг сонига эмас, балки сифатига кўпроқ эътибор қаратиш.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПРОФЕССОР- ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАРИ

Олий таълим муассасаларида таълим сифати бўйича мавжуд ҳолатни ўрганиш мақсадида 20 га яқин тажрибали профессор-ўқитувчилар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Давра суҳбати давомида профессор-ўқитувчилар томонидан таълим сифатини ошириш борасида бир қатор долзарб фикр ва мулоҳазалар илгари сурилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, **ўқув, илмий, бошқарув ва кадрлар фаолиятини** такомиллаштиришга оид тўрт гуруҳга ажратилди.

Олий таълим муассасаларида **ўқув фаолиятини** ташкилий жиҳатдан тартибга солмасдан туриб таълим сифатига эришиб бўлмаслиги ҳаммамизга яхши маълум. Бунинг учун, авваламбор, фан дастурларини мазмунан бойитиш, яъни фан дастурига киритилган мавзулар ва адабиётларни янгилаш, таълим натижаларини аниқ белгилаш (learning outcomes), фан дастурларини жаҳондаги таълим йўналишлари бўйича энг юқори турадиган топ 10 та ОТМларнинг фан дастурларига мослаштириш, шунингдек, ОТМларда ўқитилаётган фанларни жаҳон рейтингда топ 10 таликка кирган ОТМларда ўқитилаётган фанлар билан қиёсий таҳлил қилиш орқали замонавий фанларни жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, чет эллик ўқитувчилар билан онлайн ва офлайн шаклда қўшма дарслар ташкил этиш, дарс соатини 80 дақиқадан 50-60 дақиқага қисқартириш, дарс жараёнларида илғор IT-технологиялардан фойдаланиш, талабаларнинг ўз устида ишлашини ривожлантириш учун ўқув юкмасида аудитория соатини қисқартириш ҳисобига мустақил таълим соатини ошириш таклифи ҳам берилди.

* * *

Маълумки, ОТМларнинг жаҳон рейтинглари тузилаётганда 60 фоиз балл илмий кўрсаткичларга берилади. Миллий ОТМларимизнинг халқаро рейтингларга киришини таъминлаш борасида олдимизга катта вазифалар қўйилган бир вақтда олий таълим муассасаларидаги **илмий фаолиятни** такомиллаштириш ҳар доимгидан ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Биринчидан, илмий фаолиятни ривожлантириш бўйича ривожланган давлатларнинг моделларини тўғридан-тўғри ОТМларга жорий этиш профессор-ўқитувчиларга ортиқча босим юклаб, ОТМларда “сохта олимлар” сонининг ортиши ҳамда кўзбўямачилик ҳолатларининг кўпайишига замин яратмоқда. Бунинг олдини олиш учун олий таълим муассасаларига кўпроқ эркинлик бериш, мажбурлаш механизмларидан воз кечиш лозим.

Иккинчидан, ўқитувчилардан **Scopus** базасига кирувчи журналларда мақола чоп этиш талабини бекор қилиш. Унинг ўрнига **Web of Science** базасига кирувчи журналларда ихтиёрий равишда мақола чоп этиш механизмини йўлга қўйиш. Бу ўз навбатида профессор-ўқитувчиларнинг номақбул халқаро журналларда

мақола чоп этиш ҳолатларининг олдини олишга ёрдам бериб, уларнинг академик эркинлигини оширади.

Учинчидан, ҳар бир олий таълим муассасасида антиплагиат тизимини жорий этиб, кўчирмақашлик иллатига бутунлай барҳам бериш.

Тўртинчидан, молиявий имконияти юқори бўлган олий таълим муассасаларида hirsch-индекси (h-index) 30 дан юқори бўлган чет эллик профессор-ўқитувчиларнинг онлайн маърузаларини ташкил этиш.

* * *

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай соҳанинг ривожини биринчи ўринда **бошқарув фаолияти** тўғри йўлга қўйилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Қаерда бошқарув тизими соғлом бўлиб, жамоа ягона мақсад сари ҳаракат қилаётган бўлса, ўша ерда ривожланиш ва сифат кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб профессор-ўқитувчилар олий таълим муассасаларида бошқарув фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурдилар.

Жумладан, ректорларни тайинлаш тизимидан воз кечиб, уларни сайлаш тизимига босқичма-босқич ўтиш, ректорларнинг профессор-ўқитувчилар ва талабалар олдида ҳисобдорлигини ошириш, ОТМ раҳбар ходимлари фаолиятини KPI тизими орқали баҳолашни йўлга қўйиш, ОТМларда тайёрланаётган соҳа ва йўналишларни келгусида мазкур соҳаларнинг рақамлаштирилиши натижасида меҳнат бозорида талабнинг камайиб бориши нуқтаи назаридан доимий мониторинг қилиб бориш, битирувчи талабаларнинг кадрлар бозоридаги ўрни, уларга эҳтиёж, соҳанинг яшовчанлик даражаси юзасидан кенгайтирилган хулосаларни шакллантириш.

Сўнги йилларда амалга оширилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, соҳа ва йўналишларнинг рақамлаштирилиши натижаси ўлароқ кейинги 8 йилда 45 фоиз соҳа ва йўналишлар қисқариб кетиши эҳтимоли мавжуд. Шундан келиб чиқиб, ОТМларда тайёрланаётган соҳа ва йўналишларни оптималлаштириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу дипломи бор ишсизлар сонининг камайишига хизмат қилади.

Шунингдек, кафедра мудирининг ваколатларини кенгайтириш, деканларнинг кафедра мудирининг фаолиятига аралашувига йўл қўймаслик, ўқитувчиларни дарс давомида безовта қилмаслик, аудиторияларга камералар ўрнатган ҳолда дарсларни масофадан кузатиш тизимига тўлалигича ўтиш, ўқитувчилар фаолиятини талабалар томонидан баҳолаш тизимини такомиллаштириш, ОТМларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш учун фаол профессор-ўқитувчилар иштирокида ҳар бир фан кесимида давра суҳбатлари ташкил этиш шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, ОТМлар томонидан ҳар бир соҳа ва йўналиш бўйича бир нафар талабага сарфланаётган маблағ (инсон капитали) миқдорини аниқлаш, яъни талабанинг ўқитиш таннаҳини белгилаш лозим. Бу, ўз навбатида, ОТМларга ўз харажатларини оптималлаштириш, яратилаётган қўшилган қийматни аниқлаш, таннаҳрдан келиб чиқиб тўлов контракт миқдорини белгилаш имконини беради.

Бундан ташқари, талабаларга грант фақат бир йилга берилиши, кейинги йилларда талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичига қараб белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бу, ўз навбатида, талабанинг ўз устида доимий ишлаши ҳамда боқимандалик кайфиятининг йўқолишига олиб келади.

Шунингдек, профессор-ўқитувчилар фаолияти ва илмий қизиқишлари бора-сидаги маълумотларни рақамлаштириш ва ушбу маълумотларни олий таълим муассасаларининг сайтларига жойлаштириш. Бу орқали абитуриентлар ўзлари қизиққан мавзулар бўйича қайси ОТМда ўқитувчилар борлигини олдиндан қўриб, айнан ўша ОТМда таълим олишга интилади.

* * *

Таъкидлаш жоизки, жамият ривожининг ҳар қандай босқичида кадрлар амалга ошириладиган ислохотларнинг драйвери вазифасини ўтайди. Кадрларнинг салоҳият даражаси эришиладиган натижаларга тўғридан-тўғри таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Шу сабабли олий таълим муассасаларида **кадрлар фаолиятини** тартибга солиш ва такомиллаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчилар ОТМларда кадрлар фаолиятини такомиллаштиришга доир бир қатор таклиф ва тавсияларни илгари сурдилар.

Жумладан, профессор-ўқитувчи ва ходимларни ишга қабул қилиш жараёни шаффоф бўлиши, инсон омилининг аралашувиغا йўл қўймаслик, ишга қабул қилиш жараёнларини **Youtube** платформаси орқали тўлиқ онлайн тарзда ёри-тиб боришни ташкил этиш, ишга олишдан олдин демо-лекциялар орқали ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳоратини текшириш усулларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Кадрларни саралаш ва танлаб олиш тизимини шаффофлаштириш орқали меҳнат бозорида ҳамма учун тенг имкониятлар яратилиб, салоҳиятли кадрлар ўз ўрнини осонлик билан топа олади. Бу, ўз навбатида, таълим сифатининг ошишига хизмат қилади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ

Ҳозирги вақтда, бир қатор олий таълим муассасалари таълим сифатини ошириш борасида чет эл ОТМларидан қолишмайдиган даражадаги турлича услуб ва механизмлардан фойдаланиб келмоқда. Қуйида ОТМларнинг илғор тажрибаларидан намуналар келтирилган.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 467-сонли қарори 2-илоvasида келтирилган олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш мезонлари асосида университетнинг ички баҳолаш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, ўқитувчилар 100 баллик тизимда баҳоланади.

Университет профессор-ўқитувчиларининг фаолияти Таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан ҳар чоракда сарҳисоб қилиб борилади. Тўпланган баллар KPI баҳолаш тизимига боғланган бўлиб, профессор-ўқитувчиларнинг чораклик устама ҳақлари фоизини белгилаб беради. Каферда мудирининг устама ҳақи фоизи кафедра ўқитувчилари тўплаган жами баллнинг ўртачасига тенг. Факультет декани ва ўринбосарларининг устама ҳақи фоизи факультет доирасидаги кафедра мудирлари тўплаган жами баллнинг ўртачасига тенг.

Мазкур баҳолаш тизими “бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун” тамойили асосида қурилган. Бу тизим бир томондан университетнинг рейтингини кўтаришга хизмат қилса, иккинчи томондан эса университет бошқарув ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг бир-бирларига нисбатан боғлиқлигини ошириб натижа учун биргаликда ҳаракат қилишга ундайди.

Профессор-ўқитувчилар фаолиятини талабалар томонидан назорат қилиш мақсадида moodle.uwed.uz платформаси орқали ҳар семестр охирида талабалар ўртасида “Ўқитувчи – талабалар нигоҳида” номили сўровнома ўтказилади. Сўровнома натижалари сарҳисоб қилиниб, энг кўп танқидга учраган ўқитувчиларга чоралар кўрилади.

Тошкент давлат юридик университети

Бу университетда ҳам ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг ички тизими ишлаб чиқилган бўлиб, 100 баллик тизимда баҳоланади. Ҳар семестр охирида профессор-ўқитувчилар фаолияти кафедра, факультет ва университет кесимида сарҳисоб қилинади. Тўпланган баллар KPI баҳолаш тизимига боғланган бўлиб, профессор-ўқитувчиларнинг 6 ойлик устама ҳақлари фоизини белгилаб беради. Университет миқёсида энг кўп балл тўплаган ўқитувчилар қўшимча рағбатлантирилади. Энг паст балл тўплаган ўқитувчиларга чоралар кўрилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг дарс ўтиш услубини 100 баллик шкалада баҳолаш тизими йўлга қўйилган. Белгиланган режа асосида ҳар бир ўқитувчининг дарсига кирилиб дарс жараёнлари кузатилади. Дарс якунида ўқитувчининг

дарс ўтиш услубига баҳо қўйилади ва натижаси профессор-ўқитувчига маълум қилинади. Умумий натижалар ҳар семестр охирида эълон қилиб борилади.

Ҳар семестр охирида **distant.tsul.uz** платформаси орқали профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш учун талабалар ўртасида сўровнома ўтказилади. Сўровнома натижалари таҳлил этилиб, ўқитувчилар фаолияти такомиллаштирилиб борилади.

Тошкент молия институти

Ўқув йилида бир марта ҳар бир фан бўйича профессор-ўқитувчининг дарс машғулотларини 100 баллик шкалада баҳолаш тизими йўлга қўйилган. Ушбу баҳолаш тизими 12 мезондан иборат бўлиб, максимал балл 100 баллни ташкил этади. Дарс якунида профессор-ўқитувчининг дарс ўтиш услубига баҳо қўйилади ва натижаси профессор-ўқитувчига маълум қилинади. Якуний натижалар таҳлил қилиниб, университет илмий кенгашига муҳокама учун киритилади.

Профессор-ўқитувчилар фаолиятини талабалар томонидан баҳолаш мақсадида телеграм бот орқали талабалар ўртасида сўровнома ўтказилади. Ушбу сўровнома ўқув йили давомида бир марта ўтказилади. Натижалари таҳлил қилиниб раҳбариятга тақдим этилади.

Тошкент тиббиёт академияси

Академияда талабаларнинг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш мақсадида ҳар чоракда ҳар бир фан доирасида тест синовлари ўтказилади, яъни таълим сифатини аниқлаш талабаларнинг ўзлаштириш даражасини текшириш орқали амалга оширилади. Қайси фандан талабалар паст балл тўпласа, ўша фанни ўқитадиган ўқитувчининг фаолияти таҳлил қилинади.

Ҳар семестр охирида профессор-ўқитувчилар фаолияти **tma.uz** сайти орқали ўтказиладиган сўровнома орқали баҳоланиб борилади. Натижалар таҳлил қилиниб илмий кенгашга киритилади.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети

Ҳар ўқув йили бошида **кафедралар ва профессор-ўқитувчилар кесимида** йиллик режа ишлаб чиқиладиган ва ректор томонидан тасдиқланади. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими ҳар чоракда ректорат йиғилишида кафедралар ва профессор-ўқитувчилар кесимида режанинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан тақдимот кўринишида ҳисобот бериб боради. Ўқув йилининг охирида умумий натижалар сарҳисоб қилинади. Режани муваффақиятли бажарган профессор-ўқитувчилар рағбатлантирилади. Аксинча, режада белгиланган вазифаларни бажара олмаган профессор-ўқитувчиларга чоралар кўрилади.

Тошкент давлат стоматология институти

Мазкур олий таълим муассасасида таълим сифатини таъминлаш ва ўқув жараёнини ташкил этиш Европа олий таълим ҳудудида олий таълим сифатини таъминлаш бўйича стандартлар ва йўриқномаларда белгилаб ўтилган тавсия ва кўрсатмалар асосида амалга оширилади. Институт ҳар йили **олий таълим**

муассасаси+иш берувчи+битирувчи+талабалар билан ҳамкорликда ўқув режасини кўриб чиқади ҳамда замон талабларига мос янги фанларни жорий этади.

Ушбу институт Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказган олий таълим муассасаси ҳисобланади. 2021 йилнинг ноябрь ойида иккита бакалавр, иккита магистратура ўқув дастурлари ҳамда институтнинг ўзи Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа реестрига киритилган Қозоғистоннинг **Аккредитация ва рейтинг мустақил агентлиги** томонидан халқаро аккредитациядан ўтказилган.

Ҳар йили **сентябрь** ва **октябрь** ойлари **таълим сифатини ошириш ойлиги** деб эълон қилинади. Икки ой давомида тажрибали ўқитувчилардан иборат гуруҳ ёш ўқитувчиларнинг дарс машғулотларини ташкил этиш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишга ёрдам беради ҳамда уларга методик кўмак кўрсатади.

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорати қилиш давлат инспексияси ва **Жаҳон банки** томонидан молиялаштириладиган **“Shbeemann Consulting”** компаниясининг халқаро экспертлари Тошкент давлат иқтисодийёт университетини ташқи баҳолашдан ўтказиш ишларини олиб бормоқда. Эксперт комиссияси университетнинг “ички баҳолаш” тизими асосида “ташқи баҳолаш” ишларини давом эттирмоқда.

Эксперт комиссияси ташқи баҳолаш ишларини амалга ошириш жараёнида ҳар бир факультетдан икки нафардан талаба танлаб олиниб, улар билан очик мулоқот ташкил этилди. Сўхбат давомида ректор ва проректорларнинг, қолаверса, факультет деканларининг улар билан ижтимоий тармоқлардаги алоқаси, билдирган фикрлари қай даражада ҳисобга олинаётганлиги бўйича сўровнома ўтказилди.

Жараёнда дарс сифатини таъминлашда профессор-ўқитувчилар ёндашуви, таълим сифатини назорат қилишда талабалар иштироки қай даражада эканлиги ўрганилди. Шундан сўнг, 10 нафар профессор-ўқитувчи таклиф қилиниб, KPI (Key Performance Indicators) тизими ва университетнинг бошқарув сиёсати баҳолаб борилди.

Таклиф ва тавсиялар:

Биринчидан, олий таълим муассасалари ўртасида тажриба алмашиш орқали ўзаро мулоқотни кучайтириш. Бу орқали бир олий таълим муассасасида жорий этилган замонавий фан-техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибаларни бошқа олий таълим ташкилотларида ҳам оммалаштириш мумкин. Тадқиқот давомида маълум бўлдики, бир олий таълим муассасаси фойдаланиб келаётган илғор тажрибалардан қўшни олий таълим ташкилоти хабардор эмас.

Иккинчидан, ҳар бир олий таълим муассасаси илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, таълим сифатини баҳолашнинг ички механизмлари ва қоидаларини аниқ белгилаши мақсадга мувофиқдир. Чунки кўпгина олий таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолашнинг ички тартиб-қоидалари эскича услубда бўлиб, замон талабларига жавоб бермайди.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Таълим сифатини таъминлаш бўйича халқаро стандарт ва кўрсатмалар.....	5
Европа университетларида таълим сифатини баҳолаш.....	12
Олий таълим муассасаларида таълим сифати ҳолатини ўрганиш бўйича ўтказилган онлайн сўровнома натижалари.....	16
Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг таълим сифатини ошириш борасидаги таклиф ва тавсиялари.....	25
Олий таълим муассасаларининг таълим сифатини ошириш борасидаги илғор тажрибалари.....	28

Услубий нашр

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусахҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмаилов

Техник муҳаррир
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № AI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишга
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.

Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.

Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Буюртма №103.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-7215-2-4



9 789943 721524